



20 20 у « 24 » апрель

№ Қ-196

« ___ » 20 ___ г

**Термиз тумани “Халқабод” маҳалласи
худудидан “SARBON SUXROB OMAD”
МСНҲга “Иссиқхона” биноси қуриш
учун ер майдони ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 20 мартдаги ПҚ-4246-сон қарорига асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 13 апрелдаги 05-02/180-сон йиғилиш баёни ва Термиз тумани ҳокимининг 2020 йил 19 мартдаги 130/01-42-сон хатини кўриб чиқиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 13 апрелдаги 05-02/180-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Термиз тумани “Халқабод” маҳалласи худудидан “SARBON SUXROB OMAD” МСНҲга туман ҳокимлиги захирасидаги қишлоқ хўжалик харитасининг 42-дала контуридаги тупроқ унумдорлиги 48,6 балл бонитетли жами 10 гектар шундан, 9,4 гектар суғориладиган экин ер, 0,2 гектар ариқ ва зовурлар, 0,4 гектар йўллар билан банд бўлган ер майдонлари “Иссиқхона” биноси қуриш учун доимий эгалик қилиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. “SARBON SUXROB OMAD” МСНҲ раҳбари Р.Доробовга:
ажратилган ер майдонидан фақат иссиқхона ташкил этиш учун
фойдаланиши;

етиштирган маҳсулотларни экспорт қилиши;

мақсадсиз фойдаланганда ажратилган ер майдони туман ҳокимлиги захирасига қайтариб олиниши кўрсатиб ўтилсин.

4. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев) ва Термиз тумани ҳокимлиги (Ш.Уринов) ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари Х.Саматов ва А.Орипов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов